



# 1 ОКТЯБРЬ – ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

ҚОНУНЧИЛИК ВА ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ УЧУН!



ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ 12 МАЙДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2006 йил 30 сентябрь, шанба • 39 (3673)-сон

### Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

## Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ва «Нотариат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 30 июнда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2006 йил 25 августда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-ХП-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, №5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

ротномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, №5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10,

165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

(Давоми 2-бетда).

*Табиийки, устоз деганда, ҳар қайси инсон кўнглида чуқур ҳурмат-эҳтиром ва чексиз миннатдорлик туйғулари, шу билан бирга, ҳеч қандай бойлик билан ўлчаб, адо қилиб бўлмайдиган қарздорлик ҳисси пайдо бўлади. Зотан, бу ёруғ оламда онадек меҳрибон, отадек ғамхўр, ҳар биримиз учун азиз ва мўътабар бўлган улуг зот бу муаллим ва мураббийлардир.*  
**Ислом КАРИМОВ.**

# УСТОЗ – ОТАНГ ДЕК УЛУҒ



ИИВ Академияси кафедра бошлиғи, полковник Т. Саитбоев ва бўлим бошлиғи, подполковник А. Тожиев.



## АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Бирлашган тахририяти «ПОСТДА», «НА ПОСТУ» газеталари ҳамда «QALQON», «ЩИТ» журналларига 2007 йилнинг биринчи ярми учун обуна давом этмоқда.

Жиноят қидирув хизмати воқеалари, терговчи ён дафтарида, криминал воқеалар, суд очеркларига қизиқсангиз, нашрларимизга обуна бўлинг. Газета-журналлар саҳифаларида мамлакатимиз ҳамда дунё янгиликлари, теледастурлар, мунажжимлар башорати ва бошқа хабарлар мунгазам бериб борилади. «Сиз куптан учрашув», «Бевосита мулоқот», «Саломатлик», «Спорт», «Долзарб мавзу» каби ранг-баранг мавзуларда тайёрланган саҳифалар, кроссворд, сканвордлар сизни бефарқ қолдирмайди, деб ўйлаймиз.

Ички ишлар тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, дунёда содир бўлаётган оламшумул янгиликлардан ўз вақтида бохабар бўлишни истасангиз, газета ва журналларимизга обуна бўлишга шошилинг.

### ИНДЕКСЛАРИМИЗ:

«Постда» – 180 (366) «На посту» – 169 (367)  
«Qalqon» – 970 (1083) «Щит» – 971 (1084)

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ва «Нотариат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

(Давоми. Боши 1-бетда).

1) 27-модданинг биринчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 135-модда биринчи қисмининг диспозицияси «транспорт воситаларини бошқариши» деган сўзлардан кейин «худди шунингдек ишончномаларни, транспорт воситаларини бошқа шахсга бериш ва ижарага бериш шартномаларини белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказмасдан (ҳисобга қўймасдан) транспорт воситаларини бошқариши» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) қуйидаги мазмундаги 176<sup>3</sup>-модда билан тўлдирилсин:

«176<sup>3</sup>-модда. Автомобиль транспортда йўловчилар ташиш фаолияти билан лицензиясиз шугулланиш

Автомобиль транспортда йўловчилар ташиш фаолияти билан лицензиясиз шугулланиш — фуқароларга энг кам иш ҳақининг йигирма бараваридан юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса — эллик бараваридан юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

4) 245-модданинг биринчи қисми «176-моддасининг иккинчи қисми» деган сўзлардан кейин «176<sup>3</sup>» рақами билан тўлдирилсин;

5) 264-моддадаги «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) 287-модданинг:  
1-банди «176-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида» деган сўзлардан кейин «176<sup>3</sup>» рақами билан тўлдирилсин;  
8-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«8) ушбу Кодекснинг 152-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида (радиоэлектрон воситаларни ёки юқори частотали қурилмаларни сотиш ёхуд ўзгага доимий ёки вақтинчалик фойдаланиш учун бериш қисми), 164-моддасининг учинчи қисмида, 166, 170-моддаларида, 176-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида, 176<sup>3</sup>, 198-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар содир этилган тақдирда давлат солиқ органларининг, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг мансабдор шахслари томонидан»;

7) 289-модданинг учинчи қисмидаги

«Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) 291-модданинг биринчи қисми:  
«а» бандидаги «137-моддаларида» деган сўзлар «137, 176<sup>3</sup>-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«д» банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«д) ушбу Кодекснинг 164, 166, 167, 168, 172, 173, 176, 176<sup>3</sup>-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилганда — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг мансабдор шахслари томонидан».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256-1-сонли қонунлари билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11-12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-мод-

да; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1 2, 18-модда, № 5; 90-модда, № 9, 171-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 136-модданинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошилари «автомототранспорт воситаларини бошқариш ва тасарруф этиш ҳақидаги ишончномалар бундан мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) 565-модда биринчи қисмининг иккинчи жумласи чиқариб ташлансин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган «Нотариат тўғрисида»ги 343-1-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 42-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда) 26-моддаси биринчи қисмининг бешинчи ва олтинчи хатбошилари «автомототранспорт воситаларини бошқариш ва тасарруф этиш ҳақидаги ишончномалар бундан мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,  
2006 йил 27 сентябрь.  
№ ЎРҚ — 56.

ТАЙИНЛАНДИЛАР



Ўзбекистон Республикаси ИИБ Қоровул қўшинлари қўмондонининг таъминот бўйича ўринбосари, подполковник Равшан Габдулдаянович НУРЛЫГАЙЕВ.

Равшан Габдулдаянович Нурлыгаянов 1962 йил 11 июнда Тошкент шаҳрида туғилган. Маълумоти олий, ИИБ Академиясини тамомлаган. У ҳарбий хизматни 1991 йилда ИИБ Ички қўшинлар бошқармасининг ҳарбий қисмида телефон станцияси бошлиғи лавозимида бошлади. 1992-1998 йилларда республика ИИБ Ички қўшинлар бошқармасининг милиция полкида уй-жойдан фойдаланиш қисмининг бошлиғи бўлиб ишлади. 1998-2005 йилларда ИИБ Ички қўшинлар Бош бошқармасига қарашли ҳарбий қисмларда қисм командирининг ўринбосари — таъминот бошлиғи, 2005-2006 йилларда қисм командирининг жанговар тайёргарлик бўйича ўринбосари лавозимларида хизмат қилди.



Ўзбекистон Республикаси ИИБ Қоровул қўшинлари қўмондонининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, подполковник Мухаммадjon Яруллаевич МУХТАРОВ.

Мухаммадjon Яруллаевич Мухтаров 1965 йил 7 август куни Тошкент вилояти Бўка туманида туғилган. Маълумоти олий, ИИБ Тошкент олий мактабини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1988 йилда Тошкент вилояти Паркент тумани ИИБ ЖТСБ катта инспектори вазифасида бошлади. 1990-1997 йилларда Тошкент вилояти ИИБ ЖТСБ инспектори, катта инспектор, бўлинма бошлиғи, рота командири, 1997-1998 йилда Тошкент вилояти ИИБ ШТБХ бўлинма бошлиғи лавозимларида ишлади.

1998-2001 йилларда республика Давлат божхона қўмитаси коллежида курс бошлиғи бўлди. 2001-2005 йилларда республика ИИБ ШТБХ касбий ва жанговар тайёргарлик бўлими инспектори, катта инспектори, бошлиқ ўринбосари, бошлиғи лавозимларида ишлади. 2005-2006 йилларда республика ИИБ ШТБХ касбий тайёргарлик ва шахсий таркибдан тест синовларини қабул қилиш бўлими бошлиғи бўлди.



Ўзбекистон Республикаси ИИБ Хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, подполковник Миржалол Сапоевич КАРИМОВ.

Миржалол Сапоевич Каримов 1958 йил 25 апрелда Тошкент шаҳрида туғилган. Маълумоти олий, 1980 йилда Тошкент электротехника алоқа институтини, 1991 йилда ИИБ Тошкент олий мактабини тамомлаган. Ички ишларда хизматни 1983 йилда ИИБ Кадрлар бошқармасида инспекторлик лавозимида бошлаган. 1984-1989 йилларда ИИБ Марказий Аппарати Кадрлар бошқармасида инспектор, катта инспектор, 1989-1991 йилларда ИИБ Кадрлар бошқармасида бўлинма бошлиғи лавозимларида ишлади. 1992-1997 йилларда республика ИИБ Хорижга чиқиш, келиш ва фуқаролар билан ишлаш бошқармасида бўлим бошлиғи, 1997-2006 йилларда республика ИИБ Жамоат тартибини сақлаш хизмати хорижга чиқиш, келиш ва фуқаролик бошқармаси аҳолини паспортлаштиришни автоматлаштирилган ахборот тизими Республика марказининг бошлиғи бўлиб ишлади.

ТАДБИР

ШИФОКОРЛАР БЕЛЛАШУВИ



Маълумки, ички ишлар ходимлари хизмати юлят масъулиятчи ҳисобланади. Шу туфайли уларнинг ҳам жисмонан, ҳам руҳан соғлом бўлишига алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бунинг ИИБ Қоровул қўшинлари ҳарбий қисмлари тиббиёт пунктларида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига фидокорлик билан тиббий ёрдам кўрсатилаётганидан ҳам билса бўлади. Яқинда Бош бошқармада бўлиб ўтган «Энг яхши тиббиёт пункти» ва «Намунали ҳамшира» кўрик танловда оқ халатли воситаларнинг билим ва маънавияти синовдан ўтказилди.

лажа ўтказиш, тиббий анжомлардан тўғри фойдаланган ҳолда беморларга ёрдам кўрсатиш ва бошқа шартларни бажардилар. Шунингдек, эркин мавзуда санъатнинг исталган тури бўйича ўз қобилиятларини намойиш қилишди.

Ҳамширалардан 1-ўринга Анжела Махсудова (7534 ҳ/қ), 2-ўринга Дилрабо Аҳмаджонова (7552 ҳ/қ), 3-ўринга Саидхон Алламберганава (7553 ҳ/қ)лар лойиқ деб топилди.

Ғолиблар раҳбарият томонидан қимматбахо совғалар билан тақдирланди.

Тадбирда ИИБ ашула ва рақс ансамблининг ҳушовоз хонандалари томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар хуш кайфият бағишлади.

Баҳриддин ЛУТФУЛЛАЕВ.

Суратда: кўрик-танлов ғолиблари Саидхон Алламберганава (чапда), Анжела Махсудова ва Дилрабо Аҳмаджонова.

Муаллиф олган сурат.


Ушбу тадбирга катта тайёргарлик кўрилди. Ҳайъат аъзолари ҳарбий қисмлардаги тиббиёт пунктлари фаолиятига бағишлаб жўнатилган видеолар ва фотоальбомлар билан муфассал танишиб, қизгин мунозаралардан сўнг ўринларни белгилашди.

«Энг яхши тиббиёт пункти» танловида 7532, 7553 ва 7533-ҳарбий қисмлар тиббиёт пунктлари ғолиб деб топилди.

Шундан сўнг «Намунали ҳамшира» кўрик-танлови бошланди.

Иштирокчилар танишув, умумий ва ижтимоий-сиёсий билимларга доир беллашув, тиббиёт соҳасига оид назарий билимлар, муо-

# МАВСУМ УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТАДИ



Маълумки, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг асосий негизи пахтачилик ҳисобланади. Ҳозирда пахтакорларимиз етиштирган хом ашёни нест-нобуд қилмай йиғиб-териб олиш ва пахта қабул қилиш пунктларига талон-тарожликка йўл қўймай етиб боришни таъминлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Буни чуқур ҳис этган вилоят ички ишлар идоралари ходимлари мавсум давомида жамоат тартибини сақлаш, ёнғин ва йўл ҳаракати хавфсизли-

гини таъминлаш, талон-тарожлик ҳамда нобудгарчиликнинг олдини олиш учун кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, шу асосда иш юритмоқдалар. Хусусан, ёнғин ва йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари, профилактика инспекторлари, фуқаролар йиғинлари вакиллари, хўжалик раҳбарлари, фермерлар билан ҳамкорликда маҳаллалар, гузарлар, кенг жамоатчилик орасида тушунтириш ишлари олиб боришмоқда.

Кундалик маълумотларни жамлаш ва республика ИИБ «Пахта — 2006» штабига тақдим этиб бориш мақсадида бошқармада тезкор штаб ва ишчи гуруҳи тузилган. Бундай штаблар пахта етиштирувчи туманлар ИИБларида ҳам фаолият юритмоқда.

Теримчиларнинг хавфсизлиги, шунингдек, жамоат тартиби, йўл ҳаракати ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш учун бир ярим минг нафар ички ишлар ходимлари жалб этилди. Улар

барча зарур асбоб-ускуналар ва алоқа воситалари билан таъминланган.

Вилоят қўшни давлатлар билан чегарадош бўлганлиги боис, айни вақтда ички ишлар ходимлари кенг жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда чегара худудларда профилактик тадбирлар ўтказишга ҳам алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Шу мақсадда назорат масканлари ташкил этилган. Ички ишлар, МХХ ва чегара қўшинлари ходимларидан иборат қўшма гуруҳлар томонидан мунтазам рейдлар ўтказилиб боришмоқда. Бундан ташқари, бу жойларда яшаётган аҳоли ўртасида кенг тарғиб-бот-ташвиқот ишлари йўлга қўйилган. Бу эса пахта хом ашёсини ўғирлаш ҳамда ёқилиги — мойлаш маҳсулотларини республикадан ташқарига олиб чиқишга уриниш ҳолатларининг олдини олишда қўл келаяпти.

Пахта йиғим-терими даврида ёнғин хавфсизлиги таъминланишини кучайтириш мақсадида ёнғин хавфсизлиги бошқармаси, шаҳар ва туманлардан давлат ёнғин назорати ходимлари хизмат сафарига юборилиб, мавжуд 12 та пахта тозалаш заводи ва 31 та пахта қабул қилиш пунктларида узлуксиз навбатчилик ташкиллаштирилди. Ушбу масканлардаги 32 та ёнғин ўчириш автомашиналари доимий жанговар ҳолатда келтирилди. Мавсумда ишпирик этаётган барча турдаги транспорт воситаларини бирламчи ўт ўчириш воситалари ва учун ўчиргич билан таъминлаш чоралари ҳам қўрилди.

Вилоят йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари томонидан эса мавсумга жалб этилган транспорт воситалари ва қишлоқ хўжалиги механизмларининг созилиги, ҳосилни қабул пунктларига олиб боровчи автомобиль йўллари, сунъий иншоотларнинг ҳолати ўрганилиб, аниқланган камчиликлар бартараф этилди. Бундан ташқари, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, пахта талон-тарож қилиниши ва нобудгарчилигига йўл қўймаслик бўйича услубий қўлланма тайёрланиб, жойларга тарқатилди.

Йиғим-теримда қатнашаётган ишчи-хизматчилар, теримчилар, ҳашарчилар ўртасида ёнғин ва йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидалари бўйича суҳбат ва йўриқномалар ўтказилаяпти. Ёрдамчиларни далага элтиш учун ажратилган автобус ва юк автомобилларининг техник ҳолати текширилиб боришмоқда. Транспорт воситаларига тунда ёруғлик қайтарувчи мосламалар ва ўт сўндиргичлар ўрнатилиши ҳамда ҳайдовчиларнинг транспорт воситасини соз ҳолда, тегишли ҳужжатлар билан хушёр ҳолда бошқариши назоратга олинди.

Бошқарма раҳбариятининг ташаббуси билан пахтакорларимиз билан ёнма-ён жавлон ураётган ҳашарчилар рағбатлантириб борилаяпти. Бекобод, Бўка, Пскент, Юқоричирчиқ, Чиноз туманларида бир пиёла чой ташкил этилиб, санъаткорларнинг чиқишлари уюштирилди. Дастурхонга ош тортилиб, илғорларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

Хулоса ўрнида шунни айтиш мумкинки, ички ишлар ходимлари мавсумни уюшқоқлик билан ўтказиш ва ўз олдиларига қўйилган вазифаларини ўнгиладигидек уйдлаш учун барча имкониятларни ишга солмоқдалар.

**А. РАҲИМЖОНОВ,**  
Тошкент вилояти ИИБ бошлиғи ўринбосари, полковник.

*Ҳиззах вилояти ИИБ ЁХБ раҳбарияти пахта йиғим-терими даврида жойларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш учун бор имкониятларни ишга солаётгани. Айни пайтда 25 нафар мамлакачи ходимлар пахта тозалаш корхоналари ва пахта қабул қилиш пунктларига бириктирилган бўлиб, мавсум давомида назорат ишларини олиб боришади.*

## ҲАР МИСҚОЛИ ЭЪТИБОРДА

Вилоят худудида жойлашган пахта тозалаш корхоналари, пахта қабул қилиш пунктлари ва ҳашарчиларнинг вақтинча турар жойларида ўтказилаётган текширувлар давомида ёнғин хавфсизлигини бузган ёки бажармаган 20 нафар жавобгар шахс ва фуқароларга нисбатан тегишли чоралар қўрилди. Ёнғин чиқиш хавфи бўлган 8 та масканнинг иш фаолияти тўхтатилиб, ёнғинга қарши мувофиқ ҳолга келтирилди.

Жойларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида биттадан ёнғин ўчириш машиналари жанговар экипажи билан пахта қабул қилиш пунктларида навбатчиликда туриши ташкил этилди. Бундан

ташқари, пахта тозалаш корхоналари қошидаги 8 та ёнғин ўчириш машиналари тўлиқ жанговар ҳолатда келтирилиб, етарли миқдорда ёқилғи, эҳтиёт қисмлар ва бошқа ўчириш воситалари билан таъминланди. Вилоят «Пахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмаси тизимидаги 7 та пахта тозалаш корхонаси ва 19 та пахта қабул қилиш пунктининг ёнғинга қарши ҳолати мониторинг тартибига ўрганиб чиқилди, аниқланган камчиликлар бўйича далолатномалар тузилди.

Пахта йиғим-теримига жалб қилинган 182 та пахта териш машиналари, ҳосил ва ҳашарчилар ташкилига ажратилган 1450 та автотранспорт воситаларининг ёнғинга қарши

ҳолати вилоят ИИБ ЁХБ ходимлари ҳамкорлигида қўриб чиқилди.

Ҳозирги кунда вилоят ИИБ ЁХБ, ППХ ва ЖТСБ, тиббиёт бўлими ходимларидан тузилган 6 та гуруҳ томонидан ҳашарчилар турар жойларидаги шарт-шароитлар, санитария ҳолати ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида муайян ишлар олиб боришмоқда. Қўриниб турибдики, деҳқонларимиз пешона тери билан етиштирган пахта ҳосилини талофатларсиз йиғиб-териб олиниши ва сақланиши учун бор имкониятлар ишга солинаяпти. Бу хайрли иш мавсум давомида эътиборда бўлади.

**Т. КОМИЛОВ,**  
подполковник.



## ПАХТАЗОР ЯЙЛОВ ЭМАС!

Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ «Пахта — 2006» тезкор штабидан олинган маълумотга кўра, пахтазорларнинг пайҳон қилиниши, ташмачилик ва ҳосилни четга олиб чиқилишининг олдини олиш мақсадида чегара худудларида 16 та кузатув ва назорат масканлари ўрнатилган. Эллиққалъалик А. Йўлдош, Р. Қадамбой ва С. Санобарлар яширинча пахта олиб кетишаётганда ички ишлар ходимлари томонидан ушланиб, тегишли чора қўрилди. Тўртқўл тумани «Мискин» овулида яшовчи Х. Атаназаровнинг бир бош, А. Дурдиев номи овулдан Б. Атабаевнинг уч бош қорамоли ва эшаги пахта даласини пайҳон қилганлиги аниқланиб, эгалари суд томонидан жаримага тортилди.

Берунийлик Бекберган Холмуратовнинг бир бош қорамоли «Юсуф Салқин» фермер хўжалигига қарашли пахта даласининг 0,01 га майдонини пайҳон қилиб, фермерга 28 минг сўм миқдорда моддий зарар етказган. Мазкур ҳолат бўйича тўпланган ҳужжатлар туман прокуратурасига юборилди.

Ёши эликдан ошган М. Матсапаевнинг бепарволиги ўзига қимматга тушди. Бир бош қорамоли «Баҳор» фермер хўжалигига

етказган зарари учун сўйилиб, гўшти ҳашарчиларга тарқатилди. Шунингдек, «Қиётобод» овулидаги Расул Камолов номи фермер хўжалиги даласида ҳам пайҳон ҳолати аниқланиб, икки бош қорамолини «сайр» қилдириб юрган Отабек Мирсаидовга нисбатан тегишли чора қўрилди. Чимбойлик Танжарбой Турдимуратовнинг бир бош қорамоли «Қарағаш» фермер хўжалиги пахта майдонининг бир қисмини пайҳон қилиб, хўжаликка 44.880 сўм миқдорда зарар етказган.

Афсусланарли жиҳати шундаки, бундай ҳуқуқбузарликларга нисбатан чора қўрилаётганда айрим фуқаролар ҳамма айбни қарамоларидаги жониворларга йўйиб, сувдан қуруқ чиқишга ҳаракат қилишади. Аммо уларнинг бепарволигини бу билан оқлаб бўлмайди. Миллий бойлигимиз — пахтани исрофсиз, ўз вақтида йиғиштириб олинишида ҳар биримиз виждонан ва фаол қатнашишимиз зарур.

**Д. ХУДОЙШУКУРОВ.**



*Дунёдаги ҳар бир миллатнинг ўзига хос анъаналари бор. Улар халқларнинг тарихий ривожланиш жараёнида пайдо бўлиб, йиллар давомида такомиллашиб, инсонларнинг қон-қонига сингиб боради. Жумладан, ўзбек халқининг ҳам асрлар бўйи давом этиб келаётган миллий анъаналари халқимиз ҳаётида ижтимоий тартиб-қоидалар, ахлоқ меъёрлари, урф-одатлар, маросимлар сифатида намоён бўлиб келди. Улар турмуш тарзимиз, маданиятимизнинг ривожини, миллатимизнинг онги ва қиёфасини акс эттиради. Шулардан айримлари ҳақида тўхталиб ўтишни лозим топдик.*

## ХАЛҚ АНЪАНАЛАРИ – МИЛЛАТ БОЙЛИГИ

Халқимиз кексаларни ҳурмат қилади. Тўй, тантаналарда ёши улуглар, қариялар, устозларга давра тўридан жой берилади. Кўча-кўйда бирор кекса киши бораётган бўлса, унга йўл берамиз. Йўловчи ташиш транспорт воситаларига кекса аёл ёки эркак киши чиқиб қолса, ёшлар дарров ўринларидан туриб, жой беришади. Бундай ҳурматдан қарияларнинг боши осмонга етади. Бу аввало, инсонни улуглаш, қадрлашнинг бир кўринишидир.

Қариндош-уруғчилик ришталарини мустаҳкамлашнинг усуллари-дан кенг фойдаланамиз. Биринчи галда меҳроқибат кўрсатиш қонимизга сингиб кетган. Ҳар қандай маросимда қариндош-уруғлар хизматда бўлади. Ундан ташқари байрамлар, қутлуғ кунларда бир-бирларини йўқлашади, меҳр-мурувват кўрсатишади. Ана шу зайлда ўртада оқибат мустаҳкамланиб боради.

Она заминимизда кишилар маҳалла-маҳалла бўлиб яшамасларидан аввал ҳам бир-бирларига меҳроқибат кўрсатиш анъана бўлган. Шаҳар, қишлоқ, қўрғонлар пайдо бўла бошлагандан кейин эса бу ришталар янада мустаҳкамланиб борган. Маҳалла-қўй билан иноқ, аҳил яшаш, тўй-маъракада ёнма-ён туриш қадимдан давом этиб келаяпти. Бундай қадриятни ер юзининг бошқа миллатларида учратмайсиз.

Яна бир гўзал анъанамиз бор. Унда ёшу қари барабар иштирок этади. Асрлар бўйи давом этиб келаётган ҳашар усули билан мадраса, кўприклар қурилган, ариқлар қазилиб, қақроқ ерларга сув чиқарилган. Маҳалла-ларда ҳашар йўли билан ободончилик ишлари амалга оширилади, қиш-

лоқларда, ариқ, зовурлар кавланади, кўчатлар ўтказилади, мевали боғлар барпо этилади. Ёлғиз кишилар, ногиронлар, ёш болалар билан бева қолганлар, кам таъминланган оилаларнинг уйлари таъмирлаш, сувоқ, бўёқ ва бошқа қурилиш ишларини маҳалла аҳли, қишлоқ кишилари ҳашар йўли билан битказиб беришади. Бу ҳам ота-боболаримиздан мерос қолган меҳроқибат, саховат кўрсатишнинг бир намунасидир.

Эшикдан кириб келган меҳмонни ҳар бир хонадонда энг азиз инсон сифатида кутиб олинади, унга иззат-икром кўрсатилади. Халқимизнинг меҳмондўстлик фазилатини бутун дунё билди. Юртимизга ташриф буюрган хорижликлар ватанларига қайтаётганларида аввало, меҳмондўстлигимиз учун раҳмат айтиб кетишади. Бу анъана ҳам қон-қонимизга сингиб кетган. Меҳмонга боримизни тўкамиз.

Элу юрт шаъни ўзини шу халқ фарзанди, миллат вакили деб ҳисоблайдиган инсон учун беҳад қадрлидир. Миллат шаънини юксак билиб бошқа миллат вакиллари камситмаган ҳолда, фахр ва гурурланишга арзийдиган ишларни амалга ошириш бутун дунёга кўз-кўз қилиш ҳам азалий анъаналаримиздан биридир. Мардлик, жасурлик, Ватан учун, халқ учун керак бўлса жонини фидо қилиш ҳар биримиз учун шарафли эканини яна бир бор эслатиб ўтиш жоиз. Айниқса, ички ишлар ходимларида бундай фазилатлар бўлиши шарт.

Нонни эъзозлаш – қадриятларимиздан бири. Неъматлар ичида ноннинг увогини ҳам исроф бўлишига йўл қўймасликка ҳаракат қиламиз. Болалигимиздан ота-она-

миз, катталар нонга азиз неъмат сифатида қараб, увол қилмасликни тайинлашади. Умуман исрофгарчиликнинг катта гуноҳ эканлигини қулоғимизга қуйишган. Биз ҳам фарзандларимизга бу ўғитни яхши тушунтириб боришимиз керак.

Қадим-қадимдан давом этиб келаётган бундай анъаналарнинг ҳаммаси олий қадриятларимиздир. Уларни давом эттириш, ёшларга мерос қолдириш, келажак авлоднинг меҳр-мурувват-

ли, бағрикенг, бирдам, халқпарвар ва бунёдкор бўлиб етишишлари учун хизмат қилади.

Мустақиллик йилларида халқимизнинг миллий анъаналари янада бойитилди, унутилиб кетган урф-одатлар қайта тикланди, замонавий руҳ берилди. Шу билан бирга янги анъаналар пайдо бўла бошлади. Мустақиллик куни, Хотира ва Қадрлаш куни, Конституция куни каби халқ байрамлари ҳаётимизга сингиб бормоқда. Халқимизнинг асрлар бўйи орзу қилган озодлик, ҳурлик, эркинлик ва истиқлолга эришган куни мамлакатимизнинг ҳамма жойларида улуг байрам сифатида нишонланапти. Хотира ва Қадрлаш кунини Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганлар, фронт ортида меҳнат қилиб ўтиб кетганларнинг номи эсга олинади, уларнинг жасоратлари ҳақида ёшларга сўзлаб берилади. Шунингдек, машъум урушда иштирок этганлар йўқланиб, зиёрат қилинади. Тинч қурилиш йилларида мамлакат раванқи учун меҳнат қилиб ўтганлар номи ёдланади. Юрда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, жиноятчиликка қарши курашда иштирок этиб, хизмат пайтида ҳалок бўлганларнинг пок номи хотирланиб, уларнинг оила аъзолари ҳолидан хабар олинади.

Ҳар бир халқнинг қудрати унинг иқтисодий кўрсаткичлари билан бирга миллий анъаналари билан ҳам ўлчанади. Шу жиҳатдан олганда, бизнинг асрлар бўйи давом этиб келаётган, йиллар давомида мустаҳкамланиб, замонавий руҳ олаётган, давр талаби билан янгидан удум бўлаётган миллий анъаналаримиз бебаҳо бойлигимиздир.

С. АБДУЛЛАЕВ.

# ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯ ВА МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРҒИБОТИ

*Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тартибларнинг ҳаётийлиги, унинг ривожланиши ҳамда такомиллашуви, ички ишлар идоралари зиммасига муҳим вазифалар юклайди. Бу вазифаларни бажаришда ички ишлар ходимлари ўртасида ҳуқуқий тарбияга муҳтожлик сезилмоқда. Маълумки, қаерда ҳуқуқий тарбия тўғри йўлга қўйилса, ўша ерда ҳуқуқий онг ва маданият юксалиб боради. Шу боис, Ички ишлар вазирлигининг барча хизмат бўғинларида ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш масаласи вазирлик раҳбариятининг диққат марказидадир.*



Қачонки, ички ишлар ходимлари одобли, ҳушмуомала ва қонунга ҳурмат руҳида камол топса, уларда ҳуқуқий маданият ҳам шаклланади. Шунингдек, ҳар бир инсоннинг одобли бўлишида, ҳуқуқий онги, маданияти юксалишида маънавий-маърифий ишлар ва миллий ғоя тарғиботининг аҳамияти катта. Чунки, ер юзида ғоявий ва информацион курашлар кучайиб бораётган бугунги кунда маънавий, маърифий ва тарғибот ишларини тўғри ташкил этиш долзарб масаладир.

Президентимизнинг «Миллий ғоя ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори мамлакатимизда миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлигини, уларнинг ҳаётийлиги ҳамда таъсирчанлигини янада оширишга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатдир.

Ушбу Қарор асосида республика Маънавият ва маърифат маркази республика Маънавият тарғибот марказига айлантирилиб, Маънавият ва маърифат кенгаши ҳузуридаги Миллий мафкура илмий тарғибот маркази ўрнига республика Маънавият ва маърифат кенгашининг илмий-амалий йўналишида фаолият олиб борувчи Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ташкил этилди.

Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказининг асосий вазифаси бугунги мураккаб мафкуравий жараёнларни илмий-амалий жиҳатдан таҳлил қилиш, баҳолаш, миллий манфаатларимизга зид бўлган зарарли ғоялар, мафкуравий хуружларнинг моҳиятини очиб бериш ҳисобланади.

Ушбу вазифани бажариш мақсадида, Ички ишлар вазирлигининг барча идораларида миллий ғоя тарғиботини олиб бориш бўйича тегишли чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Бундан асосий мақсад – ёш кадрларни танлаш, тарбиялаш, ўқитиш, жой-жойига қўйиш, лавозимларга тайинлаш ва хизматга виждонан ёндашган ходимларни рағбатлантириш, ҳар бир ходимнинг муомала, ҳуқуқий маданиятини ошириш, шунингдек, вазирлик меъёрий ҳужжатларига қатъий риоя қилишни таъминлашдан иборат.

Ички ишлар идоралари фаолиятининг самарадорлигини ошириш биринчи навбатда норматив-ҳуқуқий мувофиқлаштириш билан бевосита боғлиқдир. Шу билан бирга амалдаги мавжуд меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя қилиш учун ички ишлар ходимларининг маънавий етуклиги, интеллектуал салоҳияти ва ҳуқуқий билимдонлиги зарур бўлади.

Маълумки, шахс ҳуқуқий маданиятининг даражаси ҳуқуқий тарбиянинг сифатига ҳам боғлиқ. Ҳуқуқий тарбиянинг ўзига хослиги унинг мақсад ва вазифалари билан белгиланади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳуқуқий тарбиянинг асосий мақсади, биринчидан, ички ишлар ходимларининг фаолиятида қонунга итоатқўйлик ва онгли ҳуқуқий хатти-ҳаракатни таъминлаш бўлса, иккинчидан, ҳар бир ходимда инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини шакллантиришдан иборат.

Ҳуқуқий тарбиявий ишларни олиб боришда унинг барча шакл ва усулларида фойдаланиш муҳим. Ҳуқуқий тарбиянинг усуллари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

Ҳуқуқий ташвиқот ва тарғибот – ҳуқуққа нисбатан ҳурмат-эҳтиром ва манфаатдорлик муносабатлари, ижтимоий – руҳий ҳаётда фаол қатнашиш туйғуларини уйғотилади. Ички ишлар ходимларини ҳуқуқий тарғибот ва ташвиқот йўли билан тарбиялашда оммавий ахборот воситаларининг роли катта.

Ҳуқуқий таълим – ички ишлар идоралари ходимларини суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнида янги қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатлардан бохабар қилиш мақсадида, вилоятларда ҳудудий ўқув марказлари ташкил этилиб, ўз хизмат соҳалари бўйича ўқув дастурлари тузилиб, малакали ва тажрибали раҳбарлар томонидан дарслар ташкил қилинган. Бундай тарбиявий усул мунтазам равишда амалга оширилмоқда.

Жамоатчилик таъсири, яъни ахлоқ-одоб ва интизом судлари фаолияти таъсирчанлигини ошириш, мураббийлар кенгаши ролини кучайтириш, билимли ходимлар тажрибаларидан фойдаланиш, уларнинг ибратли ишларини намуна сифатида ёш ходимларга кўрсата билиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ички ишлар идоралари шахсий таркибини ҳуқуқий тарбиялаш усуллари билан бири – шахсий таркибининг қонунларга, амалдаги меъёрий ҳужжатларга қатъий амал қилишини таъминлаш.

Рағбатлантириш ҳам муайян тарбиявий аҳамиятга молик ҳисобланади. Бунда ходимнинг интеллектуал салоҳияти, хизмат вазифасига виждонан ёндашуви ва шахсий фазилатлари инобатга олинishi керак.

Бугунги кунда жамиятнинг демократлаштириш, янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш даврида, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида изчил давом этаётган ислохотларни кенг кўламда амалга оширишда ҳуқуқий тарбиянинг ўрни катта. Ҳар бир инсоннинг қонини бўлиб етиши ҳуқуқий тарбиянинг ва олиб борилаётган маънавий-маърифий ишларнинг ҳамда миллий ғоя тарғиботининг ижобий маҳсулидир.

Абдуғафур САТТАРОВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
ИИВ Шахсий таркиби билан  
ишлаш хизмати бошлигининг  
ўринбосари, полковник.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари барчанинг ҳавасини келтириши табиий. Жаҳон андозаси талабларига жавоб бера оладиган кенг ва равион йўллар, шоҳкўчалар ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, турли йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиздир. Шунингдек, пиёдалар учун қулай ер ости ва усти ўтиш жойлари кўплаб нохушликларнинг олдини олаяпти. Бу борада айниқса, пойтахт кўчалари ҳеч қайси хориж йўлларида қолишмайди. Афсуски, ана шундай қулай шарт-шароитлар яратилганига қарамай, йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш ҳамон долзарблигича қолмоқда.

# ЙЎЛ ҚОИДАСИ — УМР ФОЙДАСИ



чиларимиз, — дейишди ўзларини Тилакмурод Тиллаев ҳамда Муҳиддин Пўлатов деб таништирган ўсмирлар. — Машғулотга шошиб кетаётгандик, шунинг учун йўлни кесиб ўтдик.

Уларга 10-15 метрлар нарида ер ости йўли борлиги, бундан кейин қоидани бузмасликларини айтдик. Шу пайт машина сигнали, кейин эса тормози босилгани эшитилди. Катта кўчада 50-55 ёшдаги аёл машиналар орасидан югуриб ўтаётган экан.

— Кўрдингизми, биргина ногўри ҳаракатингиз ўзингиз, ҳайдовчи ва бошқаларнинг ҳаётини хавф остида қолдирди. Яхшиямки, ҳайдовчи вақтида керакли чорани қўллади, акс ҳолда... Нега бундай қилдингиз, — дея сўрадик Нодира исмли аёлдан.

— Уйга шошиб, ер ости йўлидан ўтишга эрингандим. Худо бир сақлади, энди бундай қилмайман, — деди у ва йўлида давом этди.

— Давлатимиз қанча маблағ сарфлаб, пиёдалар учун қулай ер ости йўллари қуриб берган бўлса-да, баъзи бир ҳамшаҳарларимиз ҳамон серқатнов кўчани кесиб ўтишмоқда, — деди 33 йилдан бўён ҳайдовчилик қилаётган Хайрулла Қорабоев. — Бундай пайтда бахтсизлик юз бермайди, деб ҳеч ким кафолат бера олмайди. Яхшиям, машинамни ўз вақтида техник кўриқдан ўтказиб тураман.

Ҳақиқатан ҳам кейинги пайтда пиёдалар катта кўчанинг белгиланмаган жойидан сурбетларча кесиб ўтаётганини кузатишимиз мумкин. Баъзида автомобильнинг пиёдали

уриб юборса, ҳайдовчини айбдор қилишга ўрганиб қолганмиз. Лекин йўл-транспорт ҳодисаси пиёдаларнинг қоидага амал қилмагани оқибатида келиб чиққани эътибордан қолиб кетади.

— Фуқароларнинг йўлларда ҳаракатланиш маданиятини оширишга эришимиз лозим, — деди «Чорсу» бозори ҳудудида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаётган Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ ЙПХ 2- дивизиони, 1-сафарбарлик гуруҳи инспектори, катта сержант Лутфулла Икромов. — Биринчи галда пиёда ҳамда ҳайдовчи ўзаро муносабатларда маданиятли бўлишлари керак. Айниқса, пиёдалар автомашиналар ҳаракатига умуман ҳалақит қилмасликлари, белгиланган жойлардан ўтишлари шартлигини ўзлари тушуниб етсалар йўл-транспорт ҳодисаларининг олди олинади.

— Бундай ҳодисалар, айниқса, болалар билан боғлиқ автоҳалокатларнинг олдини олиш мақсадида меҳнат жамоалари, маҳаллалар, ўқув юртлари, мактаблар ва мактабгача тарбия муассасаларида учрашувлар ўтказаяпмиз, — деди Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқа қилиш бўлинимаси инспектори, капитан Бобур Мўминов. — Ўқув муассасалари мавжуд бўлган ҳудудлар ва гавжум жойларда талабалардан иборат «Ёш назоратчи» гуруҳлари фаолият кўрсатмоқда.

Улар ҳар куни ўқувчилар, талабалар ўтиб-қайтадиган чорраҳаларда пиёдалар ўртасида тушунтириш ишларини олиб боришяпти.

Миробод саноат-касб ҳунар коллежи талабалари Азамат Қувондиқов, Адҳам Мирзааҳмедов ва Шухрат

Исмоиловлар Бобур ҳамда Усмон Носир кўчалари кесишган чорраҳада пиёдаларга ер остидан ўтишлари лозимлигини тушунтиришаётган экан.

— «Ёш назоратчи»лар бизга яқиндан кўмак беришяпти, — деди пойтахт ИИББ ЙҲХБ ЙПХ 3-дивизиони, 1-сафарбарлик гуруҳи катта инспектори, сержант Равшан Қодиров. — Улар нафақат болалар, балки катта ёшдаги кишиларга ҳам йўл қоидаларига амал қилишни эслатиб туришибди.

ЙПХ инспекторлари билан шаҳар кўчаларидаги ҳаракат хавфсизлигини кузатишда давом этдик. Усмон Носир кўчасидаги «Океан» дўкони қаршисидан бир аёл қизчаси билан катта кўчани кесиб ўтди. «Қоидага нега риоя қилмадингиз?» — деган саволимизга «Ҳеч нарса бўлгани йўқ-ку» бамайлихотир жавоб қилди ўзини Жанна деб таништирган аёл. ЙПХ инспекторлари қоидабузарга белгилаб қўйилган тартибга риоя этиш фойдали эканлигини тушунтиришди. Йўл қоидадини бузиб, фарзандига «ўрناق» бўлаётган ана шундай ота-оналарни кўриб таажжубга тушасан, киши. Наҳотки, улар қалтис ҳаракатлари билан ҳаётларига ўзлари зомин бўлишлари мумкинлигини тушуниб етишмасан?!

Шунингдек, айрим ҳайдовчилар томонидан ҳаракат хавфсизлиги қоидаларига амал қилинмаётганига дуч келдик. Ҳамза тумани «Авиасоз»

лар» деҳқон бозори ҳудудидаги чорраҳанинг четларини ҳайдовчилар ўзбошимчалик билан тўхтаб туриш жойига айлантириб олишган. Бу эса катта йўлда ҳаракатланаётган транспорт воситалари тирбандлигига сабаб бўлмоқда. Ҳайдовчи Юсуф Қосимхўжаев ишонч қоғози билан бошқараётган «Жигули» русумли машинани йўлнинг қатнов қисмига тўхтатиб қўйиб, бемалол юрган экан. Боз устига, мазкур автомобиль техник кўриқдан ўтмагани аён бўлди. Худди шу каби Аҳмад Досметов ҳам «Тико» русумли автомашинада белгиланмаган жойда «ҳожатбарорлик» билан шугулланаётган эди. Энди ўзингиз айтинг, техник кўриқдан ўтмаган машинада қира қилиш ҳам ўзи, ҳам бошқаларнинг ҳаётини хавф остига қўйиш эмасми? Наҳотки, буним кимдир тушунтириши керак бўлса.

Мана, азиз муштарий. Рейд давомида айрим юртдошларимиз, ҳайдовчиларнинг қоидабузарликларига гувоҳ бўлдик. Зеро, йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилмаслик ҳеч кимга фойда бермаган ва бермайди ҳам. Хулоса шуки, киши ким бўлишдан қатъий назар, ҳар доим йўл ҳаракати қоидаларига амал қилсагина, ўзини ҳам, бошқаларни ҳам турли нохушликлар, бахтсизликлардан асраган бўлади.

Қобилжон ШОКИРОВ.

Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.

Гоҳида катталарнинг ўзлари болаларга «ўрناق» кўрсатишади...

Йўл-транспорт ҳодисалари содир этилишининг асосий сабаби ҳаракат хавфсизлиги қоидаларига амал қилмасликдан келиб чиқмоқда. Пойтахтимиз кўчаларида ҳайдовчилар ҳамда пиёдалар йўл ҳаракати қоидаларига қандай риоя этишяпти? Шу мақсадда Тошкент шаҳар ИИББ

ЙҲХБ ходимлари билан ҳамкорликда рейд ўтказдик.

Дастлаб пойтахтнинг «Туркуаз» савдо мажмуи ҳудудидаги Беруний ҳамда Асадулла Ходжаев кўчалари кесишган чорраҳадаги ҳаракат хавфсизлигини кузатдик. Автомашиналар ҳаракатига жиддий хавф туғдириб, серқатнов кўчани белгиланмаган жойдан кесиб ўтаётган пиёдаларни сўхбатга тортамиз.

— Лицей ўқув-

Давлатимиз қанча маблағ сарфлаб, пиёдалар учун қулай ер ости йўллари қуриб берган бўлса-да, баъзи бир ҳамшаҳарларимиз ҳамон серқатнов кўчани кесиб ўтишмоқда.



«Ёш назоратчи»лар бизга яқиндан кўмак беришяпти, — деди пойтахт ИИББ ЙҲХБ ЙПХ катта инспектори, сержант Равшан Қодиров. — Улар нафақат болалар, балки катта ёшдаги кишиларга ҳам йўл қоидаларига амал қилишни эслатиб туришибди.



(Охири. Боши ўтган сонда)

Ҳамкасбларидан бирининг туғилган кунидан вақглироқ чиқишгач, одатдагидек, эркалар қизларни уй-уйига кузатиб қўйишди. Саид ҳам “чекига тушган” ҳамкасбини кузатиб, кейин ўзи учун такси тўхтади. Тўхтаган “Матиз” ҳайдовчиси билан келишиб, орқа эшикни очди. Қоронғида илғаман экан, орқала хушбўй атир таратиб, гўзал жувон ўтирарди. Жилмайиб, бир оз сурилгани учун ноилож у ҳам жойлашди.

Иккисининг тил топишиши осон кўчди. Саодат (аёлнинг исми шундай) анчагина очиқ жувон экан, Саидни “зериктириб” қўймади. Такси тўхтади. Жувон Саидга ўзига ярашган салобат билан:

— Юқларим оғирроқ эди, кузатиб қўймайсизми? — деди.

Саидга бу илтимос ёқиб тушди. Кейинги воқеалар ёзилмаган қоида асосида кечди. Саодат миннатдорчилик белгиси сифатида Саидни бир пиёла чойга таклиф қилди. Лекин дастурхонга чой ўрнига коньяк қўйилди. Шоколади ҳам ичимликдек қимматбаҳо. Ширинлашиб кетган суҳбат орасида жувон ўз ҳаётини сўзлаб берди. Эри билан фарзандсизлик туфайли ажрашган. Иши жуда яхши. Топиш-тутиши ҳам ёмон эмас. Фақат ёлғизлик... Хуллас, ичкилик ўз ишини ортиги билан бажарди. Саид жувонниқидан кечаси ўн иккиларда чиқиб кетди...

Ҳар иккисининг ҳам виждони қийналса-да, ўртада пайдо бўлган муносабатдан воз кечолмаган икки “лардқаш” яна бир неча бор учрашишди. Сўнги кузатув чоғи Саодат Саидни тўхтади.

— Саид ака, мен сизсиз яшай олмапман... лекин сиз ўйламанг, мен оилангизни бузмоқчи эмасман. Фақат сўрамоқчи бўлганим — кўпинча хомуш юрасиз, нима бирорта муаммоингиз борми?

Саид бир пас тараддуланиб қолди. Нима десин, уйим йўқ, қийналиб кетдим, десинми? Би-



# ГУНОҲ

ровга ўз дардини дастурхон қилсинми? Айтади. Ахир, унинг ўзи сўраб турибди-ку.

Саодат бор гапни эшитгач, Саидни қайтариб уйига олиб кирди. Кўшни хонага ўтиб, бир тахлам пул билан чиқди ва Саидга узатди.

— Топганингизда берарсиз. Фақат бир шартим бор... мени ташлаб кетманг. Сизга боеланиб қолдим.

Саид шуларни ўйларкан, уйқуси келмай, анчагача безовта ётди. Аммо гишт қолипдан кўчиб бўлган...

Эртаси кундан эр-хотиннинг тез киришуви билан уй ҳам топилди. Уч хонали, шинамгина хонадон баҳоли қудрат безалди. Марзия хурсанд, бўлар-бўлмасга эри-

га осилади, болалар хурсанд, хонама-хона чопишади...

\*\*\*

Саид ишга қўмилиб кетганидан тўсатдан жиринглаган телефон овозидан бир чўчиб тушди. Хотини экан.

— Саид ака, тез уйга етиб келинг, Нафисанинг мазаси қочиб қолди!

— Нима бўлди унга?

— Билмайман, тез келинг...

Саид етиб келганида қизи тўшақда инграганча ётарди. Иссиғи жуда баланд.

Хотини “Тез ёрдам” чақирган экан, шифокор касалхонага олиб бориш кераклигини айтди.

Кунлар ўтар, дори-дармон керагича бўлса-да, Нафиса ҳеч ўзига келай демасди. Устига устак, касалхонага тушганининг учинчи

кун иккала оёғи ҳам ишламай қолди. Марзиянинг дарди дунёси қоронғилашиб кетди. Қизининг қошидан бир дақиқа бўлсин, узоқлашмас, Саид шифокорлар нима деса, кулоқ қоқмай бажарар, чор томонга чопар, натижа эса йўқ.

Сабри чидамаган Марзия эрига эскича қилиб кўришни айтди. Саид буни ҳам бажариш учун номи кетган фолбин топди. Аммо фолбиннинг олдидан тамом бошқача ҳолда чиқди. Кўчага чиқиб, йўл бўйида бошини чангаллаганча ўтирди.

...У ўзини лаънатларди. Қилмишидан минг пушаймон ер, ҳалеб бошига муштлар, юраги сиқилганидан ўзини қўярга жой тополмасди. Саид елкасидаги тоғдек гуноҳ билан касалхонага йўл олди. Хо-

тинига уйни сотмоқчи эканлигини айтди. Кўзига боласидан бошқа ҳеч нарса кўринмаётган Марзия: “Нима қилсангиз қилинг, болам омон қолсин!” — дея эрига тарташди.

Саид кун икки югуриб ижарага уй топди. Бор бисотини кўчириб ўтди. Эртасига қизидан бирров хабар олиб, тўғри уй бозорига йўл олди. Дуч келган биринчи харидор билан сотиладиган уйга келишди. Икки томоннинг розилигидан сўнг уй янги эгасига хатланди...

Ана энди сўнги ва оғир иш қолди. Саид Саодатниқига кириб келганида куёш уфқда осилиб турарди.

— Саодат, мен пулингизни олиб келдим...

— Шарт эмасди. Нега кўринмай кетдингиз. Ичкарига киринг.

Тонг саҳарда Хива шаҳридаги мол бозорига кетаётган одамлар ариқ ичида ётган кишини аввалига мастликда ухлаб қолган, деб ўйлашди. Лекин улардан бири унинг ўлиб ётганини пайқаб тезда ИИБга хабар берди. Зудлик билан воқеа жойига етиб келган тергов-тезкор гуруҳи аъзолари йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган, деган тахминга келишди. Ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида вафот этган фуқаро Н. Аваз эканлиги, воқеа аслида бошқа жойда содир бўлганлиги аниқланди. Бу ишга йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг барча шахсий таркиби жалб этилди. Йўл-транспорт ҳодисасини содир этиб, бир инсоннинг ҳаётдан кўз юмишига сабабчи бўлган шахс И. Рашид бўлиб чиқди. Маълум бўлишича, у 6 сентябрь куни кеч соат 20.30 ларда Хива тумани Ал-Хоразмий номли фермерлар уюшмаси худудида маст ҳолда, ҳеч қандай ҳужжатларсиз «Запорожец» русумли автомобилни бошқариб бораётган, йўлнинг ўнг томонидан кетаётган пиёдаани уриб юборади. Жабранувчининг ўлиб қолганини билгач жасадни мол бозори олдидаги ариқ ичига ташлаб кетди.

Ҳозирда ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши очилиб, тергов ҳаракатлари олиб бориляпти. Эндиликда ҳайдовчи ўз айбиغا яраша қонун олдида жавоб беради.

ИИБ Матбуот маркази томонидан тайёрланди.

*Халқимизда «Касалликнинг олдини олган яхши», деган мақол бор. Қаердаки ўзига мустаҳкам, эртанги кун гамини ейдиган одамлар бўлса, ўша ерда ҳамшиша ишлар қувонарли, ютуқлар салмоқли бўлади. Дунёнинг турли бурчакларида содир этилаётган террорчилик ҳаракатларини ҳисобга олсак, республикамиз бўйича ўтказилаётган «Тозалаш», «Антитеррор», «Арсенал» каби тадбирлар ана шундай жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг пайини қирқишда муҳим омил бўлмоқда.*

*Шу билан биргаликда, ўтказилаётган тадбирлар давомида фуқаролар ўртасида қуролни ноқонуний сақлаш қандай оқибатларга олиб келиши хусусида тушунтириш ишлари ҳам олиб борилмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ Сурхондарё вилояти фуқаролари ноқонуний равишда сақлаиб келаётган 66 та қуролни ўз ихтиёрлари билан топширишди.*

Ҳаётда шундай инсонлар борки, улар ўзганинг ҳақидан ҳазар қилишади, баъзилари эса аксинча. Бир донишманд айтганидек, ҳаётда яшай билиш ҳам бир санъатдир. Бироқ бизнинг «қахрамон»ларимизга бундай тушунчалар бегона. Чунки уларнинг ўй-фикрини фирибгарлик қамраб олган.

Мамлакатимизда валюта алмаштириш қоидаларига риоя қилинишини ички ишлар ходимлари бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан бирга қатъий назоратга олишган. Жумладан, бундай қоидаларни бузган ҳолда қалбаки пул ва қимматбаҳо қоғозларни ясаб, уларни муомалага киритишга уринаётган шахсларни аниқлаш ҳамда уларга нисбатан қонуний чоралар кўриш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

## ЖИНОЯТГА ЕТАКЛАГАН НАФС

Андижон шаҳрида туғилган Светлана ўтган йили Москва шаҳрига бориб, ўзаро келишилган ҳолда Носир исмли шахсдан қалбаки 50 минг АҚШ долларини Тошкент шаҳрида ўтказиш учун олади. Юнусобод туманидаги уйлардан бирида вақтинча яшаётган Светлана марғилонлик Манзурани ўзига шерикликка танлайди. У ҳамтовоғига сохта долларлардан бирини бериб, жуда кўп миқдорда сотиб оладиган харидор топса, суюнчиси борлигини айтади. Тушадиган мўмай пулни ўзича хомчўт қилган Манзура ишга киришади. Эртаси куни у «Чилонзор буюм бозори»га бориб, қалбаки долларни фуқаро М. Раънога кўрсатади. Улар ўзаро тил бириктириб, қўлбола 100 талик

долларни Гулбаҳор исмли аёлга 105 минг сўмга сотишади. Шундан кейин Светлана ҳам шериклари ёрдамида қалбаки 2700 АҚШ долларини бозорда пуллашга муваффақ бўлади.



Савдоси бароридан келаётганидан хурсанд бўлган Светлана ва Манзура орадан уч кун ўтгач, Раъно ёрдамида сохта 7 мингдан ортиқ АҚШ долларини 3 млн 600 минг сўмга сотиш ҳақида келишиб оладилар. Лекин Раъно хатти-ҳаракатлари қонунга зид эканлигини англаб етиб, республика ИИБ ЖҚ ва ТҚҚББга мурожаат қилади. Тезкор вакиллар томонидан ўтказилган тадбирда бозор ёнидаги автомобиллар тўхташ жойида Светлана ашёвий далиллар билан ушланди. А. Манзура эса жиноят содир бўлган жойдан қочиб қолди. Кўп ўтмай у ҳам қўлга олинди.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Чилонзор туман суди Светлана Насриддинова ҳамда шериги Манзура Абророваларни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг бир қатор моддалари билан айбдор деб топди ва уларга тегишли жазо тайинлади.

Хулоса шуки, ноҳўя йўллар билан топилган молу давлат ҳеч кимга, ҳеч қачон насиб қилмаслиги яна бир қарра исботланди.

Юлдуз АШИРОВА,  
майор.



# ГАЗЕТА — ҲАЁТ КЎЗГУСИ

**Osoyishtalik uchun**

**ХАЛҚ ПОСБОНИ**

Сурхондарё вилоят ички ишлар бошқармасининг нашри

№ 17296, 2006 йил 11 сентябрь

«Халқ посбони» нашрихонаси

Райондаги Республика Ички Ишлар вазирлиги 15-қўшничи бўлими раҳбари Фарзиддин Фарзидов, «Халқ посбони» газетаси муҳаррири ва бошқаруви раҳбари Абдулқадир Абдулқадиров, «Халқ посбони» газетаси бошқаруви раҳбари Абдулқадир Абдулқадиров

«Мажорат» мадони соҳиб

Хуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамиятининг асосий белгиларидан бири ошқораликка эришишдир. Шу ўринда вилоятлар ИИБ нашрлари бўлган «Посбон» «Осойишталик учун», «Халқ посбони», «Садоқат», «02 хабарлари», «Тинчлик посбони» газеталари ана шу муҳим вазифани муваффақият билан адо этишмоқда. Ушбу газеталар саҳифаларида ички ишлар идораларининг бугунги фаолияти, эришилган ютуқлар билан биргалликда мавжуд муаммолар ҳам очик-ошқора ёритилмоқда.

Тахририятимиз ходимлари томонидан газетамизнинг ҳар сонидида вилоят газеталари шарҳлаб борилади.

Жиноятга жазонинг муқаррарлигини эслатиб туриш ҳам турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. Қашқадарё вилоят ИИБнинг «Посбон» газетаси тахририяти аъзоларининг бу мавзунинг ёритишда ўзига хос йўл танлаганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Газетанинг август ойи сонидида чоп этилган «Сўнгги пушаймон» мақоласида мўмай даромад илнжиди Н. Жўраев 195 дон сифатсиз ароқларни 156 минг сўмга сотаётганида қўлга олиниб, суд ҳукми билан 235 минг сўм жаримага тортилган. Шунингдек, «Жазави қурбони» мақоласида ёзилишича, хусусий ошхонада ёлланиб ишлаётган икки оғайни мастлик таъсирида ўзаро жанжаллашиб бири иккинчисининг қорнига пичоқ санчади. Натижада иккинчиси олган жароҳати туфайли касалхонада вафот этади. Суд ҳукми билан ҳали балоғат ёшига етмаган Ф. Пардаев умрининг олти йилини тарбия муассасаларида ўтказадиган бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони суд-ҳуқуқ ислохотла-

рида муҳим аҳамият касб этди. Ўлим жазоси бекор қилинган, ўта оғир жиноятлар сони ортиб кетмайдими деган мунозарали жараён Сурхондарё вилоят ИИБнинг «Халқ посбони» газетасида атрофлича ёритилмоқда. Бунда етук ҳуқуқшунослар, амалиётчилар масала юзасидан ўз нуқтаи назарларини баён этишмоқда. Шу ўринда газетанинг 12 сентябрь сонидида чоп этилган жиноят ишлари бўйича Денов туман судининг раиси Музаффар Ҳакимовнинг «Суд ислохотлари — инсон манфаати учун» мақоласи алоҳида диққатга сазовордир. Унда Фармоннинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти содда тилда, тушунарли қилиб берилган. Мақолада шундай сўзлар бор: — Умрбод озодликдан маҳрум этиш ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазолари бизнинг жиноий жазо тизимизга киритилаётган янги ҳуқуқий институт бўлиб, унинг мустақкам ҳуқуқий негизини яратиш жуда кўп таҳлил ва изланишларни талаб этади.

Соҳада ўтказилаётган туб ислохотлар натижасида бугун том маънода ички ишлар хизмати халқимизнинг тинч-тотув яшаши, самара-

ли меҳнат ва ижод қилиши, истеъдодини камол топтиришда, сарҳадларимизнинг тинчлигини сақлашда мустақкам гаров бўлмоқда. Хоразм вилоят ИИБнинг «Осойишталик учун» газетасини варақлаб ана шундай шарафли касб соҳиблари олиб бораётган ишлар атрофлича ёритилаётганига гувоҳ бўламиз. Газетада, айниқса, турмуш чорраҳаларида рукни остида берилган мақолалар ўзининг ҳаётийлиги, воқеаларнинг ранг-баранглиги, ўқимишлилиги билан диққатга сазовордир.

Вилоятлар ИИБларининг барча нашрларида ички ишлар идоралари ходимларининг ҳуқуқий билими ва маданиятини юксалтиришга кўмаклашувчи саҳифа ва рукнлар ташкил этилган. Лекин бу борадаги айрим мақолалар савияси ва мавзу ранг-баранглиги жиҳатидан етарли даражада ёритилмапти деб ўйлаймиз.

Осойишталик посбонлари ўз касблари тақозосига кўра аҳолининг турли қатламлари, жумладан оддий фуқаролар билан кенг мулоқотда бўлишади. Уларнинг фаолияти самарали ва таъсирчан бўлиши касб маҳоратининг шахсий маданияти билан уйғунлиги даражасига, яъни қанчалик маърифатлилигига ҳам боғлиқдир.

Чоп этилаётган ҳар бир мақола ҳаёт ҳақиқатини акс эттиради. Шунинг учун ҳам «Газета — ҳаёт кўзгуси», деб бежизга айтилмайди. Шундай экан, қалам тебратаётган ҳар бир ижодкор юзакиликдан қочиб, ҳаёт ҳақиқатини акс эттириши, бунинг учун эса ҳозирги газетхоннинг хоҳиш-истакларини ҳисобга олиши мақсадга мувофиқдир.

Фурқат ХОЛИҚУЛОВ.

**El-yurt osoyishtaligi - bebaho ne'mat**

**ПОСБОН**

Qashqadaryo viloyat ichki ishlar bo'lgarmasining gazetasi

МУКОФОТ МУБОРАК!

Янги КУЗАТУВ МАСКАНИ

Navbatdchilik qisimlari

**Ўзбекистон Республикаси ИИБ Бирлашган тахририяти томонидан 2006 йил сентябрь ойида вилоятлар ИИБларининг нашрларида эълон қилинган мақолалар орасидан «Халқ посбони» газетасининг 12 сентябрь сонидида чоп этилган «Алвидо, дўстим!» мақоласи энг яхши деб эътироф этилди. Куйида ушбу мақолани эътиборингизга ҳавола қилаемиз.**

## АЛВИДО, ДЎСТИМ!

**Олимжон!** Биродарим, ҳамкасб дўстим! Биламан, энди менинг бу эмраниб, меҳрим товганиб айтган сўзларимни эшитмайсан. Аллоҳ иродаси билан айни куч-қувватга тўлган 42 ёшингда орамиздан кетдинг. Сен билан қадрдон, жон айрилмас дўст эдик. Бирга ўқидик, бирга ишладик. Икковимиз ҳам бир вақтда ички ишлар тизимига ишга кирувдик.

Олимжон! Биродарим, ўлган ҳам шундай ўладими? Ҳечқурса бир-икки кун кўрпаёстик қилиб ётмайдами? Дўст-оғайниларига юрак дардларини айтиб кўнглини сал бўшатмайдами? Наҳотки, беомон ажалга кўкрагингни мардона тугти берган бўлсан. Тагин иш жойида-я! Иш столингда ўтириб-а. Бундайи кам бўлади.

Биродарим, касбга шунчалар содиқ бўларми одам? Балки вужудингни қаттиқ бир оғриқ эговлаб, азоблаб юргандир. Буни сен болаларингдан, дўстларингдан яшириб юргансан.

Олимжон дўстим! Ҳали айтганимдай сен вужуд-вужудинг билан ички ишлар ходими эдинг. «Формам — бахтим, савлатим. У элга, хизматимга энг буюк ёрлиқ. Шунинг учун уни бирпас ечсам аллақандай бўлиб кетаман» дердинг. Билсанг, бу гапларнинг мағзини мен у пайтлар тушунмаган эканман. Энди англаяпман. Англаган сари эса юрагим баттар эзилиб титраб кетаяпман.

Қайси соҳада ишлаган бўлсанг, ортингдан фақат яхши гаплар эшитдик. ППХ сафлори бўлдинг, ҳамкасбларинг ҳавас қилди. ЁХБда инспектор бўлиб ишладинг, одамлар мақтади.

**Сени бирдан жонсиз кўрдим, Жоним чикди менинг-ла. Эс-хушимдан ажраб турдим, Туйғум кетди сенинг-ла. Зулфия.**

ЁХБга бошлиқ бўлиб ўтганингда эшитганлар «у ўзи ўсадиган йигит» эди дейишди. Бу мақтовлардан мен бир дўст сифатида осмон қадар ўсардим. Қувончим ичимга сигмасди. Шундай дўстим борлигидан қувонардим. Хизматинг билан кўпларнинг ҳавасини келтирардинг.


И. Диёров ш/х да яшовчи Ўқтам Бойматовнинг ноқонуний қуролини олишдаги жонбозликларингни эсласам, ёхуд «Дўстлик» мақаласида яшовчи Саидқул Рамазоновнинг уйдаги 286 килограмм рангли металлни фош қилишдаги сезгирлик, матонатларингни эсласам ҳам ғурурланаман, ҳам қайғуга ботаман. Қайғуга ботишимнинг сабаби эса бугун ана шундай фидойи ички ишлар ходими, капитан Олимжон Қажумов орамизда йўқ.

Жон дўст! Совуқ хабарни эшитиб шифохонага югурдим. Назаримда машина соатида 150 км тезликда кетаётган бўлса-да, секин юраётгандай. Йўқ, сени оламда ўтган экансан. Йўқ, сени ўлган деб бўлмасди. Ухлагандай бўлиб ётардинг. Гўё бу дунёдан кетганингда сира-сира ачинмасдинг. Эҳ, Олимжон... Олимжон! Одам деганлари ўлимга ҳам шундай мард борарми?

Жон дўст! Энди охирагингни берган бўлсин!

**Мамадамин САФАРОВ,**  
Сариосиё тумани ИИБ  
ҲООб бошлиғи, капитан.

## БОЛАНИНГ ЯҚИНЛАРИ БОРМИ?



Тошкент шаҳар ИИББ ҲООб вояга етмаганларга ижтимоий - ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига 2006 йил 12 сентябрь куни Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ИИББ ҲООб ходимлари томонидан лайдиб юрган, вояга етмаган ўғил бола олиб келинди. Бола ўзини Алексей Игорьевич Косых деб таништирди. 1991 йил 30 март куни туғилганини айтди. Онаси вафот этгани, отаси ва яқин қариндошлари ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга эмаслигини билдирди.

**Белгилари:** бўйи 150-155 см, ўртача гавдали, кўзлари кўк, сочи жигарранг, қошлари қора.

**Кийимлари:** эғнида кўк рангли спорт камзули, кўк рангли футболка, қора шим, оёғига оқ рангли кроссовка кийган.

Боланинг отаси, қариндош уруғлари Тошкент шаҳар ИИББ ҲООб вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига муурожаат қилишлари мумкин.

Телефон: 191-34-31.

XIX asr oxirini yarmi XX asr boshlaridagi **Ўзбек халқчил адабиётининг** илғор наъояси, маърифатпарвар, лирик шоир ота-отаниш публицисти **Зокиржон Фурқат Қўқон шахрида Мулло Холмухаммад онасида дунёга келган. Булажак шоирнинг отаси замонасининг илғор фикрли вакиллари билан бир сифатида турли билимлардан яхшигина хабардор бўлган. Мулло Холмухаммад хусусан бадий адабиёт муҳасиси бўлиб, ўзи ҳам шеърини шундан соҳиб эди. Зокиржон маҳалласидаги мактабда тахсил кўради, айни замонда отаси ёрдамида мустақил мутулаа орқали ўзбек ва форс адабиётининг буюк наъоялари меросини, айниқса, Ашшер Навоий ижодини чуқур ўрганади, форсий тилини мукаммал ўзлаштиради. Ёш Зокиржон Навоий асарларини шу даражада беришиб мутулаа қиладики, ўзининг гувоҳлигига кўра, буюк шоир хатто унинг тушига ҳам қиради ва суҳбат асносида шеърятдан илтиҳон қилиб, ижодий иш учун «ок фотиха» беради. Шу йўсин у Навоий дусидан руҳланиб, болалик йилларидаёқ кўлга қалам олади ва умрининг охиригача ижод билан шуғулланади. Зокиржон ўзи ёзган таржimai ҳолида қайд этганидек, тўққиз ёшдаёқ қозғ саҳифасига кўйидаги мисраларни битиб, муаллимнинг оқшишларига сазовор бўлган:**

Менинг мактаб аро булду  
муродим,  
Хатимдек чиқса имлоу  
саволим.

Хушнавис котиблар ва мударрислардан хаттолик санъати ва араб тилидан сабоқлар олган Зокиржон 1873 йилда мадрасага киради. 1875-76 йилларда Қўқон хонлигида юз берган қонли, сиёсий воқеалар муносабати билан мадраса ёпилгач, яна мустақил мутулаа ва ижодий иш билан шуғулланади. Янги Марғилонда савдо ишларини йўлга қўйган тоғасининг қистовига кўра, у ерга бориб ёрдамлашади, кейинчалик ўзи ҳам «чой ва дигар ашёлар савдосига дўкон» очди, самоварчилик, мирзолик қилади. Бундай ижтимоий фаолият оддий халқ вакиллари ҳаёти ва орзу-интилишлари билан бевосита танишиш, мустамлака тузуми иллатларини чуқурроқ ҳис этиш имкониятини беради.

Зокиржон Янги Марғилонда ижодкор сифатида тўла шаклланди, ўз ғазалларига «Фурқат» — «айрилиқ» тахаллусини қўйиб, шўҳрат қозона бошлади. Мустамлака чор маъмурияти жойлашган худди шу ерда у илк бор оврупа ҳаёт тарзи, замонавий фан-техника янгиликлари билан танишади.

Саксонинчи йиллар бошларида Қўқонга қайтиб, оила қуради ва асосан ижодий иш билан шуғулланади. Муқимий ва Муҳий етакчи бўлган Заъкий, Нодим, Нисбат, Муҳаййир каби ижодкорлар би-

асарларининг ғоявий моҳиятига айлана борди. Бу эса Фурқатнинг кўп асрлик адабиётимизга янги мавзулар, янги ғоявий оҳанглар олиб киришига, чин маънода новатор ижодкор сифатида қалам тебратишига замин бўлди. Эндиликда Фурқат замонавий маориф ва маданиятнинг янги-ча қараш, фикрлаш ва янги-ча ҳаёт кечиришнинг жонқур тарғиботчисига айланди. Шу тариқа ижодий, илмий ва ижтимоий фаолиятининг энг қизгин, жанговар ва энг замундор босқичи бошланди.

қандга жўнайди, шаҳар фотизиларидан Мирзо Бухорий ҳовлисида яшаб, қадимий обидалар билан танишади, газеталар хабарлар йўллайди. Сунтра Бухорога ўтади. Июль ойи охирида эса чет эл саёҳатига чиқиб, Марв-Ашхобод-Боку-Ботуми орқали ноябр ойида Стамбулга боради. Шу тариқа шоир ҳаёти, дунёқараш ва ижодида чуқур из қолдирган машҳур «Сабога хитоб» шеърини мактубида Ватан иштиёқи, соғинчи, айрилиқ азоблари ва ёлғизлик оҳанглари шоир

Фурқат 1892 йил мартда Стамбулдан Уртаер денгизи орқали Арабистонга ўтиб, Маккада ҳаж зиёратини бажо айлаб, Жидда, Мадина шаҳарларида бўлди. Худди шу зиёрат муносабати билан унинг «Ҳажнома» асари майдонга келди. Хиндистоннинг қатор қишлоқ ва шаҳарларига саёҳатлар уюштиради. Шоирнинг бу даврда яратган барча асарларида, насрий ва назмий мактубларида она юрт соғинчи ва ватанпарварлик ғоялари етакчилик қилди. Бу жиҳатдан, айниқса «Адашганман» радибли лирик шеърлар туркуми алоҳида ажралиб туради. Ҳатто, шу йилларда битилган «Кашмирда», «Булбул» деб юритилувчи соф лирик ғазалларида ҳам Ватанни кўмсаш мавзун кўзга аниқ-равшан ташланади. Фурқат 1893 йили мартда Кашмир-Тибет орқали уйғур ўлкасига келади, Еркентда турғун бўлиб қолади.

Фурқат доимо Ватанга қайтиш умиди билан яшайдики, бу интилиш унинг қатор бадий асарларида, хат-хабарларида ҳам у ёки бу даражада ўз ифодасини топган. «Ватаннинг иштиёқини тортирам гурбат ғами бирлан», деб ёзган шоир умрининг сўнгги кунларига қадар ўз юртига

қайтиш илнжида яшади, шу боис унинг фуқаролигидан чиқмади.

Фурқат Еркентда доривор ўсимликлар билан савдо қилувчи кичик дўкон очди. Асосан ижодий иш ва хаттолик билан шуғулланади. Шоирнинг ўз маълумотларига кўра, чет эл саёҳатида чиққан ҳажнома ёзишга киришган «Саёҳатнома» асари устида кўп ишлаган. Аммо, ҳажман каттагина деб тахмин этилувчи бу асар ҳанузгача топилмаган. Фурқат Еркентда кўплаб лирик ғазал ва мухаммаслар қаторида ижтимоий-сиёсий мавзуларда ҳам қатор маснавийлар яратди. «Масарратнома», «Қасида» асарлари, шунингдек, русияпон уруши муносабати билан ёзган маснавийси худди шу туркум жумласига киради.

Мазмунан ҳаётини ва бадий баркамол лирикаси, маърифатпарварлик йўналишидаги етук асарлари билан, жозибали насри ва жанговар публицистикаси билан XIX аср охири ва XX аср бошларидаги миллий адабиётимиз ривожига улкан ҳисса қўшган Зокиржон Фурқат 1909 йилда оғир касалликдан сўнг вафот этди. Унинг жасади Еркентнинг Донгдор маҳалласидаги қабристонга қўйилган.

# ФУРҚАТ

лан бевосита мулоқотга киришади, улар мунтазам равишда уюштирилган адабий мажлисларнинг, шеърят кечаларининг фаол иштирокчиларидан бирига айланди. Бу йирик қалам соҳиблари ижодида кейинчалик кучайиб камол топган ғоявий ва адабий бирлик, улар дунёқарашидagi умумийлик худди шу адабий анжуманларда шакллана борган.

Фурқат ҳаётининг Тошкент даври унинг дунёқарашини такомилда катта аҳамият касб этди. Чор мустамлакачилик маъмуриятининг марказига айланган Тошкентда шоир кундан-кунга кириб келаётган оврупа ҳаёт тарзи билан бевосита танишиш имкониятига эга бўлди. Янги тарихий шароитда моддий-маданий ҳаёт ва ижтимоий онтаги сезиларли ўзгаришларни мушоҳада этиш, яқин феодал ўтмиш билан таққослаш натижасида Фурқат дунёқарашида жиддий сифат ўзгариши юз берди. Энг муҳими шундаки, бу ҳол унинг ижодида ўз бадий ифодасини топди — маърифатпарварлик, оврупа-ча илм-маданият, фан-техникага хайрихоҳлик шоир

Шоир ниҳоят фаоллашди, илғор ғояларнинг тарғиботида газетадан унумли фойдаланиш мумкинлигини яхши тушунди ва тез орада «Туркистон вилоятининг газети» ҳайъатига расман ишга жойлашди.

Фурқат янгилик ва тараққиётнинг, илм-фан ва оврупа-ча маориф-маданиятнинг оташин жарчиси сифатида намоён бўлади, ўз ватандошларини замонавий билимларни пухта эгаллашга ва илғор халқлар қаторидан ўрин олишга даъват этади. Шоир битган мисралар ниҳоятда жўшқин ва таъсирчан, улардаги хитоб ва ҳайқириқ ҳар бир ўқувчи дилига кўчади, уни бефарқ қолдирмайди:

*Жаҳон басту қушоди  
— илм бирла!  
Надур дилни муроди  
— илм бирла!  
Кўнгуларни сурури  
— илмдандур!  
Кўрар кўзларни нури  
— илмдандур!  
Керак ҳар илмдан  
бўлмак хабардор!  
Бўлу ҳар қайси  
ўз вақтида даркор!  
Фурқатнинг Тошкентдаги фаолияти узокқа қўзилмади. У 1891 йил майида Самар-*

ижодида эндиликда олд ўринга кўтарилганини кўрсатади. Фурқат Стамбулдан Булғория ва Юнонистонга қисқа муддатли саёҳат уюштириб, Болқон ярим оролининг қатор шаҳарларида бўлади. Шу кезларда яратилган «Румолик қиз ҳикояти» (Юнон мулкида бир афсона)да Ватанни кўмсаш, унга талпиниш мавзун романтик-саргузашт бўёқларда жуда таъсирчан ифодаланган.

## ТУШЛАР ТАЪБИРИ

### ТАШНАЛИК

Тушда ташна бўлиб, уни қондирилмаслик — оғир меҳнатдан келадиغان дард ва касаллик: орзуларнинг армонга айланиши; севишганларнинг бир-бирига етишолмаслиги, ажралиб кетиши. Агар сув билан ташналик қондирилса — истақлари амалга ошади; шарбат ёки ширин сув билан қондирилса — кетмакет келадиغان ёрдам-қўмақлар.

### ТИЛЛА ЗАНЖИР

Кимки, тилла занжир кўрса — кимдир туш соҳибига носамимий ҳурмат кўрсатаётти, муомаласи дилдан эмас. Аниқроқ қилиб айтганда, аёл киши учун аёл кишининг, эркак учун эркак одамнинг муносабати сохта бўлмоқда. Агар, қиз болага бирор йигит тилла занжир совға қилса — у тез кунда бахтга эришади ва эри жуда талабчан бўлади.

### ТИЛЛА ТАҚИНЧОҚ

Кимки, тилла тақинчоқлар топиб олса — зарур ишларда катта ютуққа эришади; сотиб олса — муҳаббат бобида муваффақиятга эришади; кимгадир берса ёки йўқотса — зарар кўради.

### ТАВБА

Аниқ бир гуноҳига тавба қилиш — бир неча кун ёлғиз ўтириб, янги ишлар режаларини тузиш, уларни амалга ошириш йўлларини излаш ва янги ҳаёт бошлаш зарурлигидан хабар. Агар, аёл киши тушида тавба қилса — унга нисбатан иғво қилнаётганлигининг, кейинги қадамларини ўйлаб босиб кераклигидан дарак. Умуман тавба қилиш — гойибдан қувват ва ёрдам келаётганининг ифодаси.

## МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

Келгуси ҳафта учун

**КҮЙ.**  
Дўстлар ҳамда яқинларингизга кўмак бериш учун елиб югурсиз. Атрофдаги одамларга ҳақ эканлигингизни исботлашингиз зарур. Шунда сиз билан рақобатга киришган инсонлар иқтидорингизга тан беришади.

**ТАРОЗИ.**  
Истагингизга қараб янги ҳаёт кечиришингиз мумкин. Омад сиз томонда. Очқикўнги ва мардлингизни кўпчилик олқийлайди. Бундан ўзингизни бахтиёр ҳис этасиз.

**СИГИР.**  
Ҳаётдан имкон қадар завқ олиб яшанг. Кўзлаган барча ишларингиз кўнгидагидек битади. Шанба ёки яшанба кунни ота-онангизни йўқлашни маслаҳат берамиз.

**ЧАЁН.**  
Мазкур ҳафтада танишлар билан муносабатларни ўзгартиришингиз мумкин. Бирор масала юзасидан бир қарорга келишдан аввал жиддий ўйлаб кўринг.

**ЭГИЗАКЛАР.**  
Ушбу ҳафтада севган кишингиз билан дилдан суҳбатлашиш имконияти бор. Одамларга эътиборли бўлиб, ортиқча гапириб юборишдан эҳтиёт бўлинг.

**ЁЙ.**  
Ақл-заковат ва иқтидорингиз барча вазибаларни тез бажариш имконини беради. Анчадан бери ташвишга солаётган муаммо ҳам бартараф этилади.

**ҚИСКИЧБАҚА.**  
Оиладаги мавқенингизни яхшилаб олишга муваффақ бўласиз. Ўзингизни босиб тутишга ҳаракат қилинг. Белгиланган вазибаларни бажаришда ички туйғунгизга таянмаганингиз маъқул. Акс ҳолда панд ейишингиз мумкин.

**ТОҒ ЭЧКИСИ.**  
Муносабатларни мустаҳкамлаб, янги алоқаларни йўлга қўйишингизга тўғри келади. Ўзингизга ёқмаган нарсалардан воз кечинг. Ички қарама-қаршиликларни енга олишингиз муҳимдир.

**АРСЛОН.**  
Ишбилармонлигингиз туфайли обрў-эътиборингиз ошиб боради. Воқеалар ривожини сизнинг фойдангизга ўзгаради. Ажойиб учрашувлар кутилмоқда.

**ҚОВҒА.**  
Ажойиб учрашувлар кутилмоқда. Бирор вазифага киришдан аввал қалбингизга кулоқ тутинг. Дадил саъй-ҳаракатлар туфайли ўзингиз кўзлаган нарсаларга осонгина эришасиз.

**БОШОҚ.**  
Қалбингизга муҳаббат меҳмон бўлиши эҳтимоли бор. Барақали меҳнат қилиш ва фойдали мулоқотлар учун қулай даврдир. Ҳар бир ишга виждонан ёндашинг.

**БАЛИҚ.**  
Ҳафтанинг дастлабки кунлари келгуси режаларни белгилаб олганингиз маъқул. Ҳар қандай масалани яқинларингиз билан муҳокама қилиб олинг. Дам олиш кунларини дўстлар даврасида ўтказишни маслаҳат берамиз.

		Одоб	Портловчи модда	Газета	Хужжат
		Йўқ			Буви
От					
Сув					
Кўз	Шижоат				
	Атир				
		Дармон		Самолёт (...76)	Арава
		Автобус			Шайтанат
Эчки		Араб харфи		Сигир	
Жуфт		Куш			
			Зикна		
	...шер		"Шешбеш"	Хусан	
	Жабдук			Маъхаб	
...буламан (қўшиқ)		Ю. Усмонова		Ранг	
Орзу		қўшиғи			100 йил
	Шаҳар (Сибир)	Мағиз			
	Дарё (Россия)			Тутун	Нота
			Хусн		

# ЕРЁНҒОҚ ХОСИЯТИ

Ерёнғоқнинг асл ватани Марказий Америкадир. Хитой орқали Оврўпа мамлакатларига тарқалган. Илгариги пайтда унинг мевасини Хитой ёнғоғи деб аташган. Ерёнғоқ ҳозирги кунга келиб бир қатор мамлакатларда етиштирилади. Ундан озиқ-овқат саноатида ишлатиладиган мазали, ҳидли — арахис мойи олинади. Бу мойдан маргарин, қандолат маҳсулотлари, масалан, шоколад тайёрлашда қўлланилади. Кунжараси майдаланиб, унга қорилгандан кейин ҳолвага қўшилади.

Ерёнғоқнинг мағзи хомлигича ёки озгина қовурилиб истеъмол қилинади. Унинг кимёвий таркибида 60 фоиз мой, 25 фоиз оқсил, 15 фоиз карбон сувлари, биотон, дармондорилар — В, Е, пантотен кислота ва бошқа моддалари бор. Мева қобиғидан глюкозид моддаси ажратиб олинган. Мойи таркибида паришонхотирликка қарши доривор линолен кислота бор.

Мойи сариқ рангли бўлиб, ўзига

хос хушбўйликка эга, узоқ вақт мобайнида ҳам қотиб қолмайди. Ерёнғоқ мағзи болаларда учрайдиган эксудатив диатез (аллергик тошмалар) касаллигига даво бўла олади. Ерёнғоқ жинсий эндокрин безларига таъсир этиб, қувватбахш сифатида яхши наф келтиради. Асаб тизимини мустаҳкамлаш хосияти бор. Сизгини кучайтиради. Унинг уруғидан тайёрланган эмульсия бодом уруғи эмульсияси ўрнида мева ва ичак оғриғини қолдириш учун тавсия этилади.

Шуниси диққатга сазоворки, ерёнғоқдан янги дори — пикногенол кашф қилинган. Пикногенол — катта қувватга эга бўлиб, танани барқарор кушандаларидан ҳимоя қилади, юрак фаолиятини яхшилайди. Кўкрак қафаси ва унинг қобилигини яхши ҳимоялайди.

Бу янги дори қон айланишини яхшилайди, танани соғломлаштириб, ёшартиради, шамоллаш, томир тортишининг, олдини олади, мушаклар ҳаракатларини фаоллаштиради, танани ҳар хил аллергия таъсирлардан ҳимоялайди.



Бошланғич саратон ўсмаларини ривожланишини суьсайтиради, соғлом хужайраларга таъсир қилмайди.

Ерёнғоқни мева-ичак касаллиқларига чалинган беморлар истеъмол қилмаганлари маъқул, чунки унинг таркибидаги клетчатка ҳазм қилиш аъзоларидаги шиллиқ пардани яллиғлантириши ва қоринни дам қилиши мумкин.

Калорияси юқори бўлганидан (100 гр. тоза мағзи 609 килокалорияга тенг) озишни хоҳловчи кишилар уни камроқ истемол қилишлари маъқул.

Ерёнғоқ ейишининг меъери бор. У кўп истеъмол қилинса, оғиз бўшлиғида ярачалар пайдо бўлади. Томоққа жароҳат етказиш эҳтимоли бор. Айниб қолганини еманг, заҳарланишга сабаб бўлади.

Мирза МИРЗАЁРОВ.

Нукус шаҳридан унча узоқ бўлмаган Қизилқум канали ёқасида бундан уч йил муқаддам Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ташаббуси билан даволаш ва соғломлаштириш маркази ташкил қилинган эди.

## ДАРДЛАРГА ДАРМОН БЎЛИБ

— Бундан айниқса фахрийларнинг боши кўкка етди, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги подполковник Наврузбой Таумуратов. — Чунки улар учун мамлакатимизнинг турли бурчакларида жойлашган саломатлик марказларига бориб келиш узоқлик қилиб, муаммо туғдирарди. Энди эса шу масканда даволаниб саломатликларини тиклаб олишмоқда.


Даволаш ва соғломлаштириш маркази 35 ўринга мўлжалланган бўлиб, беморларга ма-лакали уч нафар шифокор ва етти ҳамшира хизмат қилаяпти.

— Саккиз юз метр чуқурликда ер остидан чиқаётган табиий сувнинг шифобахшлик хусусияти Чортоқ санаторияси сувидан кам эмас. Бундан ташқари даволанувчилар дарсенвал, нур билан даволаш, УВЧ, даволаш ваннаси, сув остида уқалаш, электрфарези, лазерли терапия каби физиотерапия муолажаларидан ҳам баҳраманд бўлишади, — дейди шифокор невропатолог Якуббой Бекимбетов.

— Бу ерга биринчи келишим, — дейди Чимбой тумани ИИБ хузуридаги кўриқлаш бўлими ходими, қатта сержант Расул Ернийзов. — Шароитлари яхши, табиати гўзал, таомлари мазали. Муолажаларининг таъсирчанлиги, шифокор ва ҳамшираларнинг хушмуомалалиги ҳам кишини руҳлантириб тез соғайишимизда кўмак бўлмоқда.

Иқлими оғир шароитда хизмат қилаётган осойишталик посбонларининг саломатликларини мустаҳкамлаш йўлида бу шифо масканида даволашнинг турли имкониятларидан фойдаланилмоқда.

Д.ХУДОЙШУКУРОВ.



Мамлакатимизда ёш авлодни соғлом, бақувват қилиб вояга етказишга катта эътибор берилаяпти. Бунинг учун биринчи галда жойларда спортни ривожлантириш лозим бўлади. Болажонлар мунтазам спорт машқлари билан шугулланишлари учун амалий ишларга шахсий ҳисса қўшаётган юртдошларимиз ҳам борлиги қувонарлидир.

## ЖОНКУЯР МУРАББИЙ

Жиззах вилояти Мирзачўл тумани Ипак йўли қишлоғида яшовчи ички ишлар идорасининг фахрийси Хабибулла Саримсоқов ана шундай савобли ишлар қилаётган инсонлардан биридир.

Х. Саримсоқов биринчи гуруҳ ногирони бўлишига қарамай, Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш дастурини ҳаётга татбиқ этишда жонбозлик кўрсатапти.

Қишлоқнинг 40-50 нафар ўспирин ёшлари учун ўзининг ҳовлисида мўъжазгина спорт иншооти қуриб, бу ерда спортнинг кураш тури бўйича сабоқ бераётди. Шогирдларидан Ш. Абдуазизов дзю-до бўйича республика ва халқаро мусобақаларда, Н. Умрзоқов республика кураш мусобақаларида, фарзандлари Фарида ҳамда Султонбек Саримсоқовлар вилоят мусобақаси совриндорлари бўлишган.

— Менга мактаб спорт залларида ёшларга мураббийлик қилишни таклиф қилишганди, — дейди Х. Саримсоқов. — Лекин мен ўз имкониятларимни ҳисобга олган ҳолда, яъни қишнинг қорли ва ёмғирли кунларида ногиронлик аравачасида кўчада юриш биров ноқулайликлар туғдиргани учун ҳовлимда курашхона қурдим. Қишлоғимиз ёшлари бу ерда мушакларини чиниқтириб, соғлом ва бақувват бўлиб вояга етишмоқда.

Дарҳақиқат, Х. Саримсоқовнинг жонкуярлиги таҳсинга сазовордир. Айниқса, ота-оналар фарзандларининг бўш юрмасдан спорт билан шугулланаётганидан мамнун. Ёшлардан ўз билим ва маҳоратини аямаётган мураббийга куч-ғайрат ҳамда мустаҳкам соғлиқ тилаб қоламиз.

Азизжон ФАЙЗИЕВ.

### ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ ОЛИЙ ЛИГА

## «ПАХТАКОР» — ЯККА ПЕШҚАДАМ

Футбол бўйича Ўзбекистон XV миллий чемпионати олий лигаси беллашувлари яна беш турдан сўнг ўз ниҳоясига етди. Навбатдаги учрашув Тошкентнинг «Пахтакор» жамоасини чемпионлик сари янада яқинлаштирди. Ушбу мавсумда амалдаги чемпион «Пахтакор» футболчилари ўз майдонида «Локомотив»ни қабул қилди. «Локомотив» футболчилари 15 дақиқа давомида «Пахтакор»чилар билан тенгма-тенг кураш олиб борди. Ўйиннинг 14-дақиқасида «Пахтакор» вакили Вячеслав Понамарёв биринчи голга муаллифлик қилган бўлса, иккинчи голни «Локомотив»нинг бразилиялик легионери Эвертон Кавалканте киритди.

Сўнгги турларда тўпурарлик маҳоратини намойиш этаётган нигериялик Ихероуме Уче уч голни, Сервер Жепаров икки голни, Тимур Копадзе эса бир

«Самарқанд-Д» 4:1, «Қизилқум» — «Трактор» 2:3.

Турнир жадвалида 67 очко билан «Пахтакор» жамоаси пешқадамлик қилмоқда. 61 очко билан «Насаф» футболчилари

кумуш медални қўлга киритишга яқин турибди. Учинчи ўринни банд этган «Нефтчи» жамоаси ҳисобида бир учрашув кам ўтказган ҳолда 55 очко мавжуд.

Оттабек ЭЛТОЕВ.

### 25-турдан сўнг турнир жадвали қуйидагича кўриниш олди:

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
«Пахтакор»	25	22	1	2	71-8	67
«Насаф»	25	19	4	2	55-26	61
«Нефтчи»	24	18	1	5	51-21	55
«Машғал»	25	15	5	5	40-22	50
«Трактор»	25	13	4	8	42-35	43
«Навбахор»	24	12	5	7	33-25	41
«Қизилқум»	25	11	5	9	39-32	38
«Андижон»	25	9	5	11	41-42	32
«Самарқанд-Д»	25	9	3	13	30-36	30
«Локомотив»	25	8	6	11	32-50	30
«Бухоро»	25	7	6	12	25-28	27
«Тўпаланг»	25	8	3	14	33-43	27
«Шўртан»	25	7	2	16	33-50	23
«Металлург»	25	5	7	13	26-32	22
«Сўғдиёна»	25	5	2	18	16-39	17
«Хоразм»	25	0	3	22	19-98	3

голни ўз ҳисобига ёзиб қўйди. Охир оқибат учрашув «Пахтакор» жамоасининг 7:1 ҳисобидаги йирик ғалабаси билан якунланди.

«Насаф» ўз майдонида «Тўпаланг»ни қабул қилиб қийинчилик билан 2:1 ҳисобида муваффақият қозонди.

«Нефтчи» жамоаси эса сафарда «Хоразм» билан учрашиб 8:2 ҳисобида зафар кучди. Ушбу ўйиндан сўнг «Хоразм» жамоаси олий лигани муддатидан аввал тарк этиши маълум бўлди.

Турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди:

- «Андижон» — «Сўғдиёна» 2:0,
- «Бухоро» — «Металлург» 0:0,
- «Навбахор» — «Шўртан» 3:2,
- «Машғал» —



**Сизга билим бермоқ биз учун фарздор,  
Зотан, ҳаёт ўзи катта бир дарсдор.  
Эй, фарзанд, илм ол, Ватан кутмоқда,  
Уни обод қилмоқ сиз учун қарздор.**

## МЕҲР ВА МУРУВВАТ КЎРСАТИШ ОЙИ

Ислоҳ оламида муборак Рамазон ойи давом этапти. Муҳаммад Пайгамбаримиз рўза ойининг биринчи ўн кунлигида Аллоҳ мўминларга раҳмат эшикларини очди, деганлар. Яратганинг бу марҳаматиға эришиш учун фақат рўза ибодатинигина адо этиб қолмасдан қўни-қўшни, қариндош уруғ, етим-есир, ногиронларга меҳр-мурувват кўрсатиш керак.

Кексайиб рўза тутишга қуввати етмай қолганлар, суронкали касаллар, рўза тутса касали зўрайиб кетадиганлар фидя берадилар. Фидя бир фақирнинг бир ўтиришда қорнини тўйдирадиган даражадаги овқат ёки унинг қийматидаги пул берилди. Рамазон рўзасининг фидяси закот ва садақалар бериш лозим бўлган кишиларга тўланади.

Рамазони шарифда кишилар бир-бирларини йўқлашлари, қўни-

қўшниларни, қариндош-уруғларни чақириб ифторлик уюштиришлари уларнинг бир-бирларига бўлган меҳр-оқибатларини мустаҳкамлайди. Пайгамбаримиз Рамазон ойида имкони бор одамлар камбағал, етим-есир, ёлғиз кишиларга моддий ёрдам берсалар, уларнинг сарфлаган, берган пулларига Аллоҳ ўн барабар қилиб қайтарали деганлар.

Рамазон ойида Аллоҳ барча йиртқичлар, захарли жониворлар, жинларни боғлаб қўяди. Шундай экан, инсонлар ҳам бир-бирларига ширин муомалада бўлишлари, яхшилик қилишлари, бир-бирларига суянчиқ, кўмакчи бўлишлари лозим. Ўтган гина-қудратларни нутиб, меҳр кўзи билан боқиб, ярашиб, яна иноқлашиб бўлиб кетган кишиларга Аллоҳ раҳмат назари билан қарайди. Бир-бирларига меҳр-мурувват кўрсатганларнинг гуноҳлари кечирилади.



**Газетамиз саҳифаларида  
реклама ёки эълон беришни  
истайсизми? Марҳамат!**

Мурожаат  
Учун телефонлар: **139-73-88**  
**139-75-37**

Бизнинг электрон манзилимиз: [urmvd@globalnet.uz](mailto:urmvd@globalnet.uz)



## ШАРҚ ҲИКМАТИ

Одам бу дунёда уч нарсага интилади. Бу уч нарса эса, тўрт восита билан қўлга киритилади. Бу уч нарсанинг бири – яхши турмуш кечирмоқ. Иккинчиси – одамлар орасида юксак мавқега эга бўлмоқ. Учинчиси – охират савобини топтомоқ учун савобли ишлар қилмоқдир.

Бу уч нарсага эришмоқ учун восита бўлган тўрт нарса қуйидагилардир: ҳалол меҳнат билан давлат тўпламоқ, қўлга киритилган давлатни сақламоқ, исрофга йўл

қўймасдан давлатини ўзи, оиласи, ака-укалари учун харжламоқ... Ниҳоят, мумкин қадар зиёнли ишлардан тийилмоқ.

Одам давлат йиғиб, уни хайрли ишларга сарфламаса, ундай одамни бадавлат эмас, йўқсил деб ҳисоблаш керак. Бундай одамлар сув келадиган йўли бору, чиқадиган йўли бўлмаган ҳовузга ўхшайди – сувнинг ортиғи фойдали ерларга сарф бўлмасдан тошиб, атрофни бошиб кетади.

## ҲАДИСИ ШАРИФДАН

Рўза, намоз ва садақа қилишдан ҳам афзал амалдан хабар берайми? У икки кишини яраштириб қўйишдир. Бировларнинг ўртасини бузиш диннинг қиронидир.

Савобли иш қилганингизда хурсанд бўлсангиз, гуноҳ иш қилганингизда эса хафа бўлсангиз, демак, сиз ҳақиқий мўминдирсиз.

Ер юзиде битта жиноятга берилган жазо Ер аҳли учун қирқ кун ёмғир ёққанидан афзалдир.

Илм икки хилдир: бири қалбдаги илм бўлиб, у фойдалидир. Иккинчиси тилдаги илм бўлиб, у Тангри ҳузурда банд зарарига далил бўлади.

Ҳар бир нарсанинг калити бор. Жаннатнинг калити

– мискин фақирларни севишдир.

Одамларга яхши ваъз-насихатлар қилиб, ўзи унга амал қилмайдиган олим, гўёки одамларга ёруғлик таратиб ўзини куйдириб тугатаётган шамчироқ кабилдир.

Илмни ўрганиб, сўнг уни бошқаларга ўргатмаслик гўёки молу дунёни йиғиб, уни сарф қилмай, кўмиб қўйиш билан баробардир.

Инсон қалби бамисоли саҳродаги бир қуш қанотидир: шамол уни гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга ағдариб туради.

Фойдали илмларни ўргатувчи одамнинг гуноҳи кечирилишини сўраб, ҳар бир нарса, ҳатто денгиздаги балиқлар ҳам истиғфор айтадилар.

### Газетамизнинг азиз мухлислари!

Газетамизнинг янада мазмуни ва ранг-баранг чиқишида сизнинг фикрларингизни билиш ниятидамыз. Таклифларингиз бўлса, марҳамат, бизга кўнглироқ қилинг!



Ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари эса қуйидаги телефон орқали мурожаат қилишингиз мумкин:

(371) 139-70-40

Телефон: (371) 139-73-88

Соат 9.00дан 21.00гача

### ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЖК ва ТҚКББ раҳбарияти ва шахсий таркиби 2-бошқарма тезкор вакили, майор Х. Суннатуллаевга отаси

**Мамажон СУННАТУЛЛАЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

### МАРҲУМЛАРНИНГ ЯҚИНЛАРИГА АЛЛОҲ САБР БЕРСИН

Фарғона вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ШТБХ инспектори, лейтенант Б. Файбуллаевга падари бузруквори

**МАҲМУДЖОН** отанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.



### O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

**Bosh muharrir**  
**Aziz ERNAZAROV**

Bosh muharrir o'rinbosari  
**Ulug'bek MAMADALIYEV**  
Mas'ul kotib **Erkin SATTOROV**

Navbatchi: **Azizjon Fayziyev**  
Sahifalovchilar: **Zokir Boltayev**  
**Nikita Slavgorodskiy**  
Matn ko'chiruvchi: **Go'zal Jafarova**

Ko'chirib bosishda «Postda» dan olinganligini ko'rsatish shart. Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin. Maqolada keltirilgan misollar, raqamlar, ma'lumotlarning aniqligi uchun mualliflar javobgardirlar. Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Gazeta haftaning  
shanba kunlari chiqadi.

Kelgusi sonda  
uchrashuncha xayrl



**MANZILIMIZ:**  
700029, Toshkent,  
**Yunus Rajabiy**  
ko'chasi, 1

**TELEFONLAR:**  
Bosh muharrir o'rinbosari 132-24-60;  
Kotibiyat 139-73-88. Faks 132-24-60  
E-mail: [urmvd@globalnet.uz](mailto:urmvd@globalnet.uz)

Tahririyat hisob raqami  
20210000700447980001, MFO  
00421. «Ipak yo'li» aksiyadorlik  
investitsiyaviy tijorat bankining  
Mirzo Ulug'bek bo'limi.

«O'zbekiston» nashriyot-  
matbaa ijodiy uyi  
bosmaxonasida chop etildi.  
Korxonalar manzili: Alisher  
Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2003 yil 24 noyabrda 007 raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma J-2862. Bosilish - ofset usulida. Hajmi - 6 bosma taboq, 55125 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda - 180. Tashkilotlar uchun - 366. Bosishga topshirish vaqti - 23.00. Bosishga topshirildi - 23.00. Internet va xorijiy matbuot vositalari asosida tayyorlandi.